

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ҚЎЧҚАРОВ ЗАФАРЖОН ҚАЮМЖОН ЎҒЛИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ОИД
ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.12 – Коррупцияга қарши курашиш (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD)

Кўчқаров Зафаржон Қаюмжон ўғли

Олий таълим соҳасида коррупцияга оид хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалалари.....3

Кучкаров Зафаржон Қаюмжон угли

Выявление коррупционных рисков в сфере высшего образования и вопросы их устранения.....29

Kuchkarov Zafarjon Kayumjon ugli

Identification of corruption risks in the field of higher education and issues of their elimination.....55

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published scientific works.....59

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ
АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

ҚЎЧҚАРОВ ЗАФАРЖОН ҚАЮМЖОН ЎҒЛИ

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ОИД
ХАВФ-ХАТАРЛАРНИ АНИҚЛАШ ВА УЛАРНИ БАРТАРАФ
ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.12 – Коррупцияга қарши курашиш (юримдик фанлар)

**Юримдик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2024 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1. PhD/Ү521 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.proacademy.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тухташева Умида Абдиловна
юридик фанлар доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Тиллабаев Мирзатилла Алишерович
юридик фанлар доктори, профессор

Исмоилов Олимжон Юсуфжон ўғли
Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат юридик университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги DSc.31/31.12.2020. Ү5 67.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2024 йил «19» декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100047, Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9, Тел.: (99871) 202-04-96; e-mail: info@proacademy.uz).

Диссертация билан Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (49-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Рихсий кўчаси, 9. Тел.: (99871) 202-04-96;)

Диссертация автореферати 2024 йил «6» декабрь куни тарқатилди.

(2024 йил «6» декабрдаги 15-рақамли реестр баённомаси).

М.М.Мамасиддиқов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори, профессор

Ш.И.Шайзаков

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

М.А.Аминжонова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, юридик фанлар доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда замонавий давлат хизмати ва хусусий секторда касб турлари шиддат билан кўпаяётган бир вазиятда малакали кадрларга бўлган талабнинг ортиши олий таълим соҳасининг долзарблигини кўрсатувчи асосий белгилардан бири ҳисобланмоқда. “БМТнинг 2030 йилгача Барқарор Ривожланиш Мақсадларида олий таълим барқарор иқтисодий ўсишнинг етакчи омили сифатида кўрсатилгани ҳам бекорга эмас”¹. Дунё миқёсида соҳа иштирокчилари сонининг ортиши коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг эҳтимоллик даражасини кучайтириб, соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни олдини олишнинг долзарблигини кўрсатмоқда. “Ҳозирда ер юзида 25 мингдан ортиқ олий таълим муассасалари (*кейинги ўринларда – ОТМ*) мавжуд”,² “уларда 250 миллион атрофида талабалар таҳсил олаётган бўлиб, талабалар сони 2030 йилда 380 млн, 2035 йилда 472 млн, 2040 йилда 594 млн нафарга етиши кутилмоқда”³. Олий таълим соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар халқаро даражага чиқиб бораётган бўлиб, “миграция ҳисоботларига асосан бугунги кунда 6 миллионга (*2000 йилларда 2 млн.*) яқин талаблар хорижий мамлакатларда ўқимоқда, келгуси йилларда бу рақамлар янада ортиши прогноз қилинмоқда”⁴. Бугунги кунда олий таълим соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарларни амалиёт манбалари асосида таҳлил қилиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда.

Жаҳонда олий таълим тизимининг долзарблигини минтақавий ҳамда глобал босқичлардаги интеграция жараёни билан ҳам изоҳлаш мумкин. “Бугунги кунда географик, иқтисодий, маданий тўсиқларни бартараф этувчи минтақавий “Лиссабон, Токио, Аддис, Буэнос-Айрес конвенциялари ҳамда ЮНЕСКОнинг “Олий таълимга оид малакаларни тан олиш тўғрисида”ги Глобал Конвенцияси”⁵ қабул қилинган”. “Рутгерс университети профессори Дон Маккейб томонидан 1992 йилда олий таълимда фирибгарлик, плагиат ва инсофсизликка қарши курашиш мақсадида Халқаро академик ҳалоллик маркази - ICAI (*academicintegrity.org*) ташкил этилганлиги, “Таълимдаги ахлоқ ва коррупцияга оид кўплаб манбалар”ни ўзида жамлаган ЮНЕСКОнинг Таълимни режалаштириш халқаро институтига тегишли сайти (*etico.iiep.unesco.org*) 2001 йилда ўз фаолиятини бошлаганлиги олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишдаги муҳим қадамлар бўлган”⁶. Мазкур халқаро ҳужжатлар олий таълим соҳасидаги коррупциянинг глобал муаммога айланганлигини кўрсатиб, унга қарши курашишда халқаро

¹ [Электрон манба]. URL: <https://www.unesco.org>.

² [Электрон манба]. URL: <https://truowl.com>.

³ Calderon A, Thesis of massification of higher education revisited // [Электрон манба]. URL: <http://cdn02.pucp.education>.

⁴ Олий таълимга оид халқаро ва минтақавий конвенциялар: имкониятлар ва истиқболлар [Матн]: методик қўлланма / Ш.Якубов ва бошқалар. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024. – 3 б.

⁵ Олий таълимга оид халқаро ва минтақавий конвенциялар: имкониятлар ва истиқболлар [Матн]: методик қўлланма / Ш.Якубов ва бошқалар. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024. – 3 б.

⁶ Коррупция: олий таълим учун яширин таҳдид [Матн]: методик қўлланма / Ш.Муродуллаев, Т.Маматалиев, Д.Аликулов. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024 й. – 15 б.

хамкорликни ривожлантиришни тақозо қилмоқда. Шунингдек, жаҳон тажрибасида коррупциявий хавф-хатарларни соҳалар кесимида илмий жиҳатдан ўрганиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистонда таълим соҳасида коррупцияга нисбатан мурасасиз муносабатни шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида фуқароларнинг олий таълим олиш ҳуқуқи кафолатлангани ушбу соҳадаги тарихий янгилик,”¹ “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 майдаги ПФ-5729-сон Фармонида асосан эксперимент тариқасида олий таълим соҳасида “коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга оширилиши янгича ёндашув бўлди”². “Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2024 йил 15 июль куни олий таълим сифатини ошириш масалаларига бағишланган йиғилишда тармоқ, корхона ва ОТМлари узвийлигини мустаҳкамлаш, ўз соҳасида илғор, рақобатдош мутахассислар тайёрлаш зарурлигини вазифаси сифатида белгилаб берилди”³. Бирок, коррупция ҳолатларининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилишига қарамасдан соҳада ҳамон коррупциявий омиллар ва хавф-хатарлар сақланиб қолмоқда. “Юксалиш” ҳаракати томонидан 2022 йилда ўтказилган тадқиқотда қатнашган 700 нафар ота-она, 346 нафар ўқитувчи ва 20 нафар директорлар олий таълим тизимидаги коррупциявий хавф-хатарни ўрганишни таклиф қилган”⁴. Миллий доирада ОТМга ўқишга кириш ва ўқишни кўчириш, бошқарув ва назорат йўналишларда коррупциявий хавф-хатарлар юқори бўлиб, тадқиқотда ушбу йўналишларга алоҳида эътибор қартиш долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги (2017), “Таълим тўғрисида”ги Қонунлари (1997), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги, 2023 йил 27 ноябрдаги ПФ-200-сонли “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари, 2022 йил 11 майдаги ПҚ-240-сонли “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ҳамда мавзуга оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда муайян даражада хизмат қилади.

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон. [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz>.

² Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 07.07.2021 й., 06/21/6257/0645-сон. // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz>.

³ [Электрон манба]. URL: <https://president.uz>.

⁴ Коррупция: олий таълим учун яширин таҳдид [Матн]: методик қўлланма / Ш.Муродуллаев, Т.Маматалиев, Д.Алиқулов. – Т.: “Yetakchi nashriyoti”, 2024 й. – 17 б.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий ва маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалалари мамлакатимизда мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Коррупцияга қарши курашиш илмий ёндашувлар асосида янги ўрганилаётган соҳа бўлгани сабабли бу борада фақат умумий-назарий манбалар мавжуд бўлиб, Н.Салаев, Б.Хидоят, Г.Тулаганова, С.Ниёзова, Б.Исмаилов, Ш.Қобилов, Г.Тулаганова, А.Таджибаева, Б.Исроилов, Э.Гадоев, Ф.Алимов илмий ишлари шулар жумласидан.

Шунингдек, А.Атажанов суд, М.Абдуллаева халқ таълими, У.Алоев қонун ҳужжатлари таъсирини баҳолаш, О.Исмоилов коррупциявий латент жиноятларни фош этиш усуллари, Т.Кенжаев коррупцияга қарши экспертиза, С.Маманов “комплаенс-назорат”, Б.Исмоилов прокурор назорати, М.Мухаммадиева фуқаролик жамияти институтлари соҳаларида коррупцияга қарши курашиш масалаларини тадқиқ қилган бўлса, Ш.Муродуллаев, Т.Маматалиев, Д.Алиқулов, Т.Маматалиев, Ш.Муродуллаев, Б.Холмиров, Б.Юлдашев, М.Авезов, Р.Каримов, Д.Рузметова, М.Бобоумаров, И.Жўраев олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш юзасидан маълум масалаларга тўхталиб ўтган.

Олий таълим соҳасида коррупция масалалари МДХ мамлакатлари доирасида Ковалева В.В., Шмакова А.А., Сенчукова Л.О., Номоконова В.А., Гегечкори О.Н., Шульга В.И., Кравченко А.Г., Прокопенко А.И., Головина А.Ю., Дубоносова Е.С., Ковалева С.Н, хорижий мамлакатлар доирасида Martin Anderson (1992), Melissa Anderson (1999, 2001), Max Eckstein (2003), Jacques Hallak and Muriel Poisson (2002, 2007), Stephen Heyneman (2004), Harold Noah (2001), Lydia Segal (2004), ва Jennifer Washburn (2005) каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган. Бевосита ОТМларда коррупциянинг олдини олиш масалалари J.Hallak ва M.Poisson, K.Altinyelken, P.Temple, G.Petrov¹ тадқиқотларида ўрганилган.

Бирок, юқорида номлари келтирилган олимларнинг илмий ишларида мавзунинг умумий ва махсус жиҳатлари ёритилган бўлсада, олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш яхлит шаклда ўрганилмаган.

¹ Бу ва бошқа манбалар диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида келтирилган.
[URL:https://etico.iiep.unesco.org](https://etico.iiep.unesco.org).

Мазкур диссертация олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш масалаларига бағишланган дастлабки илмий тадқиқот иши ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига киритилган бўлиб, “Коррупция муаммолари” устувор йўналиши доирасида амалга оширилган (2021-2024).

Тадқиқотнинг мақсади Ўзбекистон Республикаси олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш, олий таълимни коррупциядан ҳоли намунавий соҳага айлантиришга қаратилган илмий-назарий хулосалар, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

олий таълим соҳасида коррупция ва коррупциявий хавф-хатарлар тушунчасини аниқлаш ҳамда уларнинг мукамал тарифини шакллантириш;

олий таълим соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик шакллари, таснифланиши, ўзига хос хусусиятларини ёритиш;

олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёни ва усуллари ўрганиш;

мамлакатимиз олий таълим соҳасида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни амалий мисоллар ва статистик маълумотлар асосида таҳлил қилиш ҳамда хорижий давлатларнинг ушбу хавф-хатарларни бартараф этиш борасидаги ижобий тажрибасини ўрганиш;

олий таълим соҳасининг бошқарув ва назорат фаолиятида, давлат ОТМларига ўқишга кириш ва кўчириш жараёнларида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш ва унинг олдини олиш билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар олинган.

Тадқиқотнинг предметини олий таълим соҳасининг бошқарув ва назорат фаолиятида, давлат ОТМларига ўқишга кириш ва кўчириш жараёнларида коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, айрим хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиёти, коррупциявий хавф-хатарлар масаласидаги концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ва ҳуқуқий категориялар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот олиб боришда қиёсий-ҳуқуқий, тарихий, тизимли-тузилмавий, мантикий, аниқ социологик, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, индукция ва дедукция, статистик маълумотлар таҳлили каби усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

олий таълим соҳасидаги барча турдаги имтиҳонларни ўтказиш жараёнларини интернет тармоғида жонли эфирга узатиш амалиётини жорий этиш ва ушбу фаолиятни амалга ошириш учун очик платформани ишга тушуриш коррупцияга қарши курашишда очиклик ва шаффофликни, жамоатчилик назоратини таъминловчи муҳим восита бўлиб хизмат қилиши асослантирилган;

ОТМларга ўқишга кириш учун берилган имтиёزلарни хатловдан ўтказиб, қатъий рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни умумий квотага киритмаслик бўйича қоида белгилаш, имтиёзлар беришни тўлиқ рақамлаштириш ва ва электрон платформа орқали амалга оширилишини қонунчилик ҳужжатларида белгилаш асослантирилган;

коррупцияга қарши курашишда янгича ёндашув асосида НЕМИС ахборот тизими орқали аноним сўровнома ўтказиш йўли билан ОТМларининг ҳар йилги коррупцияга қарши курашиш рейтингини аниқлаш амалиётини қонунчилик ҳужжатларида жорий этишнинг ижобий натижалари асослантирилган;

олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишда замонавий усуллардан фойдаланиш, хусусан, ОТМларида коррупциявий хавф-хатарларни тизимли равишда таҳлил қилиш фаолиятини йўлга қўйиш, ушбу фаолиятни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш зарурати асослантирилган;

коррупциявий усуллардан фойдаланган ҳолда таълим ташкилоти педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашуш ва хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш соҳасидаги жавобгарлик чораларини кучайтиришнинг долзарб масалалари асослантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

“олий таълим соҳасида коррупция”, “олий таълим соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар”, “коррупциявий омил”, “олий таълим соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар шакллари” “олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш *(аниқлаш ва баҳолаш)*” тушунчаларига назарий-ҳуқуқий тарифлар ишлаб чиқилган;

олий таълим соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар 9 та мезон асосида таснифланган, соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш жараёни тўртта босқичга бўлинган ва 6 та мезон асосида таснифланган;

таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тизимлаштирган ҳолда ягона Ўзбекистон Республикасининг “Таълим кодекси”ни ишлаб чиқиш таклиф этилган ва Таълим кодексининг қабул қилиш зарурати, асосий фаолият йўналишлари, ижобий натижалари келтирилган “концепцияси” лойиҳаси тайёрланган;

кириш имтиҳонларида ўрнатилган қоидаларни бузганлик учун жавобгарлик белгилаш таклиф этилиб, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига “Таълим ташкилотига қабул ҳамда чет

тили ва умумтаълим фанларини билиш даражасини баҳолаш имтиҳон қоидаларини бузиш” деб номланган янги 193⁵-модда киритиш бўйича қонун лойиҳаси ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тизим ташкилотларида, олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш тартиби тўғрисида Йўриқнома лойиҳаси ишлаб чиқилган;

коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизими ижобий тажрибасини олий таълим соҳасига жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълим муассасаларида коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот миллий қонунчилик нормалари, халқаро стандартлар, ривожланган хорижий давлатлар тажрибаси, социологик тадқиқотнинг анкета, интервью шаклларида асосланган, статистик маълумотлар таҳлили, ҳуқуқни қўллаш амалиётдаги муаммоларни аниқлаш, уларни ечишга йўналтирилган ҳаракатлар моделининг методик хусусиятга эга тавсиялар орқали синовдан ўтказилганлиги, натижалари - фаолиятнинг самарадорлигига таъсир этишга қаратилган тегишли ҳужжатлар билан расмийлаштирилган. Тадқиқ этилаётган муаммо бўйича 300 нафардан ортиқ давлат хизматчилари, профессор-ўқитувчилар, “комплаенс-назорат” тузилмалари ходимлари ўртасида сўровномалар ўтказилган. Тадқиқот натижалари синовдан ўтказилган ҳамда республиканинг етакчи миллий нашрлари ва халқаро журналлар, илмий-амалий конференциялар тўпламларида чоп этилган. Ваколатли давлат органлари томонидан натижаларнинг жорий қилиниши бўйича далолатномалар билан тасдиқланган ва қонунчилик ҳужжатлари ҳамда амалиётга жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти унинг олий таълим соҳасида мавжуд коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, уларни олдини олиш ва салбий оқибатларини бартараф этиш, коррупциявий хавф-хатарларни назарий асослари, ўзига хос хусусиятлари, келиб чиқиш омиллари ўрганилган дастлабки илмий-назарий манба сифатида баҳоланиши, натижаларидан янги тадқиқотлар олиб боришда фойдаланиш, ОТМларида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш (“risk assessment”) ўқув курсини жорий этишга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим соҳасидаги қонун ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш ҳамда уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш жараёнига, қонунларни қўллаш амалиётини такомиллаштиришга, коррупциявий бўшлиқларни тўлдиришга, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси

тингловчилари, ОТМлари талабалари учун илмий ва услубий қўлланмалар ишлаб чиқишга ҳамда ўқув жараёнида фойдаланишга, олий таълим соҳасини “коррупциядан ҳоли” соҳага айлантиришга хизмат қилишида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тадқиқот асосида олинган натижалар қуйидагиларда ўз ифодасини топган:

олий таълим соҳасидаги барча турдаги имтиҳонларни ўтказиш жараёнларини интернет тармоғида жонли эфирга узатиш амалиётини жорий этиш ва ушбу фаолиятни амалга ошириш учун очик платформани ишга тушуриш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг очиклигини таъминлаш, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6247-сонли Фармонининг 3-бандига жорий қилинган (*Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 21.06.2021 йилдаги 01-09/4572-сон далолатномаси*). Ушбу таклифни амалиётга жорий этилиши коррупция хавфи юқори бўлган ОТМларига кириш ва бошқа турдаги имтиҳонларнинг очикланиши, имтиҳон жараёнлари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилишига хизмат қилган;

ОТМларга ўқишга кириш учун берилган имтиёзларни хатловдан ўтказиб, қатъий рўйхатини шакллантириш ҳамда уларни умумий квотага киритмаслик бўйича қоида белгилаш, имтиёзлар беришни тўлиқ рақамлаштириш ва электрон платформа орқали амалга ошириш тўғрисидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-240-сонли Қарорининг 1-илоvasи билан тасдиқланган “Коррупцияга мойил бўлган муносабатларни бартараф этиш бўйича комплекс” чора-тадбирлар дастурининг 4,5,6,7-бандига жорий қилинган (*Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 17.06.2022 йилдаги 01-09/2716-сон далолатномаси*). Ушбу таклифни амалиётга жорий этиш ўқишга киришда белгиланган имтиёзлардан фойдаланишда мавжуд коррупциявий хавф-хатарларнинг олди олган;

коррупцияга қарши курашишда янгича ёндашув асосида NEMIS ахборот тизими орқали аноним сўровнома ўтказиш йўли билан ОТМларининг ҳар йилги коррупцияга қарши курашиш рейтингини аниқлаш амалиётини йўлга қўйиш тўғрисида таклиф Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 27 ноябрдаги “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолияти устидан жамоатчилик назорати тизими самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-200-сонли Фармони 3-банди “в” кичик банди ва мазкур Фармон 1-илоvasи билан тасдиқланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича 2023-2024 йилларга мўлжалланган давлат дастурининг 19-бандига жорий қилинган. (*Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 01.04.2024 йилдаги 01-09/1917-сон далолатномаси*).

Ушбу таклифнинг амалиётга жорий этилиши олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишда замонавий ёндашувлардан фойдаланиш имкониятини яратган.

олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашишда замонавий усуллардан фойдаланиш, хусусан, ОТМларида коррупциявий хавф-хатарларни тизимли равишда таҳлил қилиш фаолиятини йўлга қўйиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тизим ташкилотларида, олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш тартиби тўғрисида йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 2024 йил 4 мартдаги 58-сон буйруғи билан амалиётга жорий этилган (*Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг 25.03.2024 йилдаги 03/23-851-сон далолатномаси*). Ушбу йўриқнома ОТМларда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш, баҳолаш ва уларни бартараф этиш билан боғлиқ муҳим амалиётни ҳуқуқий тартибга солган.

коррупциявий усуллардан фойдаланган ҳолда таълим ташкилоти педагог ходимининг касбий фаолиятига қонунга хилоф равишда аралашуш ва хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш соҳасидаги жавобгарлик чораларини кучайтириш тўғрисида таклифи Ўзбекистон Республикасининг “Педагог ходимларнинг хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарлик кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги 826-сон Қонуни 2-моддаси 2-бандига жорий қилинди. (*Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 02.11.2024 йилдаги 27/2-314-24-сон далолатномаси*). Ушбу таклифни амалиётга жорий қилиниши педагог ходимларининг касбий фаолиятига юқори турувчи раҳбар ва мансабдорлар томонидан коррупциявий усуллардаги аралашувларининг олдини олишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, хусусан, 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та, хорижий нашрларда 2 та илмий мақола ва 1 та монография чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, саккизта параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 152 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган ОТМнинг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Диссертациянинг **“Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарлар ва уларнинг назарий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида олий таълим соҳасида коррупция, коррупциявий хавф-хатар тушунчалари, коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик шакллари, таснифи, ўзига хос хусусиятлари, коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш каби назарий тушунчалар ҳақида фикр юритилган.

Биринчи параграфда халқаро ташкилотлар ва тадқиқотчи олимлар томонидан берилган тарифлар ҳамда билдирилган фикрлар асосида “олий таълим соҳасида коррупция” ва “олий таълим соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар” тушунчаларининг тарифлари шакллантирилди, ушбу тушунчаларнинг фарқли жиҳатлари ёритиб берилди.

Коррупция тушунчаси кенг ва турли кўринишдаги ҳаракатларни камраб олгани сабабли мазкур тушунчага тариф беришда турлича ёндашув ва тортишувлар мавжуд бўлиб, тадқиқотлар натижаси “коррупция” тушунчасининг 50 дан ортиқ тарифлари мавжудлигини кўрсатди¹.

Мазкур тушунчанинг тарифини шакллантиришда коррупция тушунчасига дастлабки берилган тарифлардан тортиб бугунги кунда халқаро даражада оммалашган тарифларгача ўрганилди.

Коррупция тушунчасига дастлабки илмий тариф 1970 йилда Graham Brooks томонидан берилган бўлиб, унинг фикрига асосан **коррупция** - оз ёки кўп миқдордаги шахсий манфаат кўриш мотиви билан белгиланган мажбуриятларни қасддан нотўғри бажариш ёки бажармаслик ёхуд мансаб ваколатидан асоссиз фойдаланиш ҳисобланади².

Transparency International халқаро нодавлат ташкилоти томонидан берилган тарифга кўра, **коррупция** – ишониб топширилган ваколатни шахсий манфаат йўлида суиистеъмол қилиш ҳисобланса,³ Жаҳон Банки томонидан келтирилган тарифда эса, **коррупция** – ишониб топширилган

¹ Denisova E. Corruption in Higher education: Global Challenges and Responses, 2020. – P-2.

² Denisova E. Corruption in Higher education: Global Challenges and Responses, 2020. – P-2.

³ [Электрон манба]. URL: <https://www.transparency.org>.

мансаб ваколатини шахсий манфаат йўлида суиистеъмол қилиш сифатида ёритилган¹.

Тадқиқот давомида “олий таълим соҳасида коррупция” тушунчасига соҳадаги барча коррупцияга ҳуқуқбузарликларни қамраб олувчи умумий тарифлар беришдан кўра, олий таълим соҳасидаги коррупциянинг алоҳида хусусиятларини кўрсатиб берувчи тарифлар бериш оммалашганлиги маълум бўлди.

Украинанинг Таълимни режалаштириш халқаро институти илмий ходимлари А.Базхал, Т.Галковская, О.Скрипкин томонидан “олий таълимдаги коррупцияга давлат хизматчисининг мансаб ваколатини суиистеъмол қилиши натижасида таълим олиш ҳуқуқига, сифатига, тенглигига салбий таъсир қилувчи ҳаракатлар” сифатида тариф берилган².

Халқаро олий таълим маркази тадқиқотчиси E.Denisova олий таълим соҳасидаги “коррупция” тушунчасига “академик ҳалолликни мавжуд эмаслигини”³ деб тариф берган.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тарифга кўра, **олий таълим соҳасида коррупция** – шахснинг олий таълим соҳасида ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга ҳилоф равишда фойдаланиши (*ҳаракат ёки ҳаракатсизлик*), худди шунингдек, бундай нафни қонунга ҳилоф равишда тақдим этиши, лавозим ваколатларини суиистеъмол қилиши ёки ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиши ҳисобланади.

Мазкур тушунчани ишлаб чиқишда миллий қонунчиликда мавжуд коррупция тушунчаси билан қамраб олинмаган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси 18-моддасида белгиланган “ғаразли мақсадларда мавқеидан фойдаланиш”, 19-моддасида белгиланган “хизмат лавозимининг суиистеъмол қилиниши” коррупциявий жиноятлари хусусиятларидан фойдаланилди.

Тадқиқот давомида “коррупциявий хавф-хатар” тушунчасининг “коррупция” тушунчасидан фарқли жиҳатлари илмий ва ҳуқуқий манбалар асосида ёритилди, унга кўра, коррупция якуний салбий оқибатга эга бўлган маълум бир ҳуқуқбузарлик тури бўлса, коррупциявий хавф-хатар айнан шу ҳуқуқбузарлик содир этилишининг сабаб ва омиллари, юз бериш эҳтимоли ҳисобланади⁴.

Назарий жиҳатдан таҳлил қилинганда кўплаб тадқиқотчилар томонидан “коррупциявий хавф-хатар” ва “коррупциявий омил” тушунчаларининг фарқли хусусиятларига алоҳида эътибор қаратилди, унга кўра, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардаги бўшлиқлар, шахсларнинг коррупциявий хулқ-

¹ [Электрон манба]. URL: <https://www.worldbank.org>.

² [Электрон манба]. URL: <http://www.osvita.org>.

³ Denisova E. The Global Challenge of Corruption in Higher Education // IAU Horizons. 2017. № 1. Б.

⁴ Handbook of good practices in the fight against corruption Authored by Oksana Huss, Mike Beke, Jan Wynarski, Brigitte Slotfile.2023: С.

атвори, ходимларнинг ижтимоий ҳимояси пастлиги, давлат хизматида инсон омилнинг мавжудлиги ҳолатлар коррупциявий омил ҳисобланса, ушбу омиллар оқибатида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиш эҳтимоли коррупциявий хавф-хатарлар ҳисобланади.

Олий таълим соҳасидаги коррупциявий хавф-хатар тушунчасини профессор А.Осіріан тизимда коррупцияга дуч келиш эҳтимоли сифатида баҳолаб, уни товламачилик ва пора олиш зарурати билан боғлиқ деб ҳисоблаган бўлса¹, тадқиқотчи В.Георгиев коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир бўлишининг эҳтимоллик даражаси сифатида баҳолаган².

Миллий қонунчиликда **коррупциявий хавф-хатар** тушунчасига шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда мавжуд сабаб ва шароитларда коррупциявий хатти-ҳаракатларни содир этиш эҳтимоли деб тариф берилган³.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тарифга кўра, **олий таълим соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарларни** – олий таълим соҳасида мавжуд сабаб ва шароитларда коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиш эҳтимоли ҳисобланса, олий таълим соҳасида **коррупцияни келтириб чиқарувчи омиллар** – олий таълим соҳасида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имкон яратиб берувчи ҳолатлар (*сабаб ва шарт-шароитлар*) ҳисобланади.

Иккинчи параграфда олий таълим соҳасидаги “коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар шакли” тушунчасига тариф берилди ва ушбу ҳуқуқбузарликлар 9 та мезонлар асосида таснифланди, соҳадаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилди.

Тўрт йиллик таҳлиллар асосида пора эвазига ўқишга киритиб қўйиш, ўқишни кўчириш ва ўқиш йўналишини ўзгартириш, мол-мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик шакллари мамлакатимиз доирасида долзарб эканлигини аниқланди.

Олий таълим соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик шаклига олий таълим соҳасида содир этиладиган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар кўринишлари сифатида тариф берилди.

Олий таълим соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар қуйидаги **9 та мезон** асосида таснифлаш мумкин:

1) олий таълим соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар **содир этиш усулига** кўра, порахўрлик, непотизм, фаворитизм, фирибгарлик, моддий бойликларни талон-торож қилиш, плагиат ва бошқа коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

¹ Osipian A. Glossary of Higher Education Corruption with Explanations. – 2009. P. 24.

² Georgiev V. Methods and techniques for assessment of corruption risk in Defence and Security. 2013, Journal of Defense Management, P. 1-2.

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 31.08.2022 й., 10/22/3383/0785-сон. // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz>.

2) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларда **қатнашган субъектлар доирасига** қараб, талаба ва ўқитувчи, талаба ва бошқарув ходимлари (*ректор, проректор, декан*), талаба ва хизмат кўрсатувчи ходимлар (*ётоқхона бошлиғи, кутубхоначи*) ва бошқалар ўртасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

3) олий таълим соҳасининг **ички босқичларига** кўра, таълим бериш, хизмат кўрсатиш ва бошқарув соҳаларидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

4) коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни **тарқалиш ҳудудига** қараб, глобал, давлат ёки минтақа бўйича долзарб коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

5) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик шакллари **ОТМ ташкилий-ҳуқуқий шаклига** қараб, давлат, хусусий ва хорижий ОТМдаги ҳуқуқбузарлик;

6) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик коррупциявий манфаатни ким кўришига қараб **индивидуал ва институционал** кўринишдаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

7) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик манфаатдорлик предметининг шаклига кўра, **моддий** ва **номоддий** манфаатга асосланган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларга ажратиш мумкин.

8) олий таълим соҳасидаги коррупцияга оид **ҳуқуқбузарликларни хусусиятига** кўра, умумий ва махсус коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик;

9) олий таълим соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар **вақт бўйича долзарблигига** қараб, долзарб ёки аҳамиятсиз коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик.

Олий таълим соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар куйидаги хусусиятларга эга: *биринчидан*, муносабат субъектлари сони кўплиги ва соҳада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилиши юқорилиги, *иккинчидан*, талабаларни баҳолаш жараёнидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни кўзга кўринмаслиги, муносабат субъектлари ва жамоатчилик томонидан бу турдаги ҳаракатларни аҳамиятсиз ҳуқуқбузарлик сифатида баҳолаши, *учинчидан*, олий таълим соҳасидаги коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар даврий асосда содир этилиш хусусиятга эга, *тўртинчидан*, абитуриент ва талабалар учун олий маълумотга эга бўлиш катта ҳаёт йўлидаги ҳал қилувчи нукта, кўп эҳтимол билан унинг келажаги учун кўприк бўлиши алоҳида бир хусусият, *бешинчидан*, олий таълим соҳасидаги коррупция бўлажак кадрларда коррупциявий иллатларни шакллантиришга хизмат қилади, *олтинчидан*, олий таълим соҳасидаги коррупция бошқа соҳаларга ҳам коррупциянинг кенг тарқалишига хизмат қилади.

Илмий ишда олий таълим соҳасида коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар шакллари, уларнинг таснифланиши ва хусусиятлари тадқиқот мавзусининг назарий асослари ҳисобланиб, уларни чуқур ўрганиш соҳадаги коррупциявий хавф-хатарларни келиб чиқиш сабаб ва омилларини аниқлашда фундаментал асос бўлиб хизмат қилиши таҳлил қилинди.

Учинчи параграфда назарий-ҳуқуқий манбалар асосида олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш (*аниқлаш ва баҳолаш*)

фаолияти таҳлил қилиниб, олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш (*аниқлаш ва баҳолаш*) тушунчасига тариф берилди.

Коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолаш коррупцияга қарши курашишда превентив ёндашувлардан бири бўлгани ҳолда халқаро миқёсда кенг тарқалган.

Claremont Университети, “U4” Коррупцияга қарши курашиш маркази, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти томонидан қатор қўлланмалар тайёрланиб, ушбу қўлланмаларда коррупциявий хавф-хатарларни аниқлаш ва баҳолашнинг умумий тушунчаси, жараёни, босқичлари, усуллари каби масалалар батафсил ёритиб ўтилган¹.

Хорижий амалиётда мазкур тушунча “коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш” (risk assessment of corruption)² ёки “коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш” (corruption risk management)³ шаклида ёритилган.

Тадқиқот давомида ишлаб чиқилган тарифга кўра, **олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бошқариш (*аниқлаш ва баҳолаш*)** – олий таълим соҳасидаги давлат органлари ва таълим ташкилотларининг фаолиятини (*вазифа ва функцияларини*) ички ва ташқи манбалар асосида таҳлил қилиш, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига шароит яратаётган ёки яратиши мумкин бўлган коррупция хавф-хатарларини аниқлаш, ушбу хавф-хатарлар даражасини баҳолаш ҳамда уларни минималлаштиришга қаратилган самарали ва натижали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш фаолияти ҳисобланади.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни баҳолаш жараёнини **тўртта босқичга** бўлинди, яъни коррупциявий хавфларни **аниқлаш, баҳолаш** (хавф даражасини белгилаш), уларни бартараф этиш ёки камайтириш юзасидан **чора-тадбирлар белгилаш**, белгиланган **чора-тадбирларни амалга ошириш**.

Олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил этишни қуйидаги 6 та мезон асосида таснифланди:

биринчидан, ҳудудийлик тамойили асосида, давлатнинг бутун ҳудудидаги ёки айрим ҳудуддаги ОТМда тадқиқот ўтказиш (*Республика ёки Тошкент шаҳрида жойлашган ОТМда*);

иккинчидан, соҳалар асосида, мутахассислик йўналишлари бўйича ОТМни тадқиқ қилиш (*Республикадаги тиббиёт ОТМ*);

учинчидан, хавф-хатарларни содир этилаётган ҳуқуқбузарлик турлари асосида тадқиқ қилиш (*мансабдор шахслар порахўрлик жиноятлари*);

тўрттинчидан, ОТМнинг ташкилий-ҳуқуқий шаклига кўра хавф-хатарларни таҳлил қилиш (*давлат, хусусий ёки хорижий ОТМда*);

бешинчидан, соҳанинг айрим босқичларида хавф-хатарларни таҳлил қилиш (*ўқишга кириш, талабаларни баҳолаш, бошқарув босқичларида*);

¹[Электрон манба]. URL: <https://www.unodc.org>.

²McDevitt A Corruption risk assessment topic guide, Transparency International. July 2011. – P.6.

³[Электрон манба]. URL: <https://www.u4>.

олтинчидан, соҳада мавжуд лавозимлар бўйича коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш (ректор, проректор, ҳисобчи, ёки кафедра мудири).

Тадқиқот давомида Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги томонидан тизим ташкилотлари, олий, ўрта махсус ва профессионал таълим муассасаларида коррупциявий хавф-хатарларни таҳлил қилиш ва уларнинг натижаларини эълон қилиш тартиби тўғрисида Йўриқнома лойиҳаси ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси олий таълим соҳасида мавжуд коррупциявий хавф-хатарлар таҳлили ва уларни бартараф этишда хорижий давлатлар тажрибасининг аҳамияти”** деб номланган иккинчи бобида олий таълим соҳасидаги коррупциявий хавф-хатарлар амалий манбалар асосида таҳлил қилинган ҳолда долзарб хавф-хатарлар тоифаси, уларнинг келиб чиқиш омиллари аниқланди ҳамда ушбу коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш юзасидан хорижий давлатлар тажрибаси ўрганилди.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг (*кейинги ўринларда – вазирлик*) коррупцияга қарши курашиш борасидаги миллий рейтинг натижаларини таҳлил қилиниб, соҳада мавжуд юқори даражадаги коррупциявий хавф-хатарларнинг йўналишлари белгиланди.

Таҳлил натижалари вазирлик янги жорий қилинган коррупцияга қарши курашиш борасидаги рейтингларда ижобий натижалар кўрсата олмаганлигини кўрсатди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-81-сон Қарори¹ асосида жорий этилган коррупцияга қарши курашиш ишларининг самарадорлигини рейтинг баҳолашда вазирлик 2021 йилда 47 балл, 2023 йилда 50 балл билан “қониқарсиз” натижа кўрсатган².

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиқлик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” ПФ-154-сон Фармони³ асосида жорий этилган Очиқлик индексида вазирлик 2022 йилда 74,8 балл билан “яшил” натижа кўрсатган бўлса, натижалар 2023 йилда 67,4 балл билан “сарик” тоифага пастлаган⁴.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги “Давлат бошқаруви соҳасида коррупциявий хавф-хатарларни бартараф этиш механизмларини такомиллаштириш ва ушбу соҳада жамоатчилик

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 18.03.2022 й., 06/22/89/0227-сон. // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz>.

² [Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz>.

³ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 15.06.2022 й., 06/22/154/0524-сон // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz>.

⁴ [Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz>.

иштирокини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-240-сон қарорига¹ мувофиқ, коррупциявий хавф-хатарларни мажбурий аниқлаш ва баҳолаш бўйича вазирликдаги 31 та лавозимга тегишли 15 функциялар баҳолашдан ўтказилганда уларнинг 9 таси ўрта ва 6 таси паст коррупциявий хавф-хатар даражасига эга эканлиги маълум бўлган².

Илмий иш доирасида олий таълим соҳасида содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳуқуқбузарлик шакллари, турлари, субъектлари ва ҳудудлар бўйича таҳлил қилингани ҳолда коррупциявий хавф-хатарлар белгилаб олинди.

Миллий рейтинг натижалари ва содир этилган коррупциявий жиноятлар таҳлили олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларнинг юқори даражада сақланиб қолишига қуйидаги замонавий ёндашувларнинг миллий тажрибада мавжуд эмаслиги билан изоҳлаш мумкин:

Биринчидан, олий таълим соҳасидаги муносабатлар ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ тартибга солилмаган бўлиб, “Олий таълим тўғрисида”ги қонун ва Таълим кодекси шаклидаги алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар миллий қонунчиликда мавжуд эмас.

Хорижий давлатларнинг кўпчилигида Таълим кодекси мавжуд, жумладан, Франция Таълим кодекси 2000 йил 22 июнда қабул қилинган бўлиб, ушбу кодекс 9 том, 953 та моддадан иборат ва 6-7-томлари олий таълим соҳасига бағишланган³. Белоруссия Таълим кодекси 2011 йил 13 январда қабул қилинган бўлиб, 16 бўлим, 63 боб, 295 та моддадан иборат⁴. Молдавия Таълим кодекси 2014 йил 17 июлда қабул қилинган бўлиб, 13 та бўлим, 157 та моддадан иборат⁵.

Иккинчидан, олий таълим соҳасидаги коррупцияга мойил ваколатлар мансабдор шахслар қўлида тўпланган бўлиб, улар муҳим молиявий ва ташкилий масалалар юзасидан мустақил қарор қабул қилиш ҳуқуқига эга, ушбу ваколатлар коллегиял органлар ваколатига берилмаган.

Хорижий давлатлар тажрибасида ОТМлари бошқарув тизимида коллегиял органлар шаклланган бўлиб, коррупциявий хавф-хатарларга мойил ваколатларни амалга ошириш ушбу органларга юклатилган, хусусан, Грузия Республикасининг 2004 йил 21 декабрдаги “Олий таълим тўғрисида”ги қонунига асосан ОТМлари бошқарув тизимида Сенат, Илмий Кенгаш, факультет Илмий кенгаши, Талабларнинг ўзини-ўзи бошқариш органи каби коллегиял тузилмалар бўлиши лозим,⁶ Массачусетс технология институтида корпоратив тизим асосида бошқарилади ва корпорация (*васийлик кенгаши*)

¹ Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 11.05.2022 й., 07/22/240/0407-сон. // [Электрон манба]. URL: <https://lex.uz>.

² [Электрон манба]. URL: <https://anticorruption.uz>.

³ [Электрон манба]. URL: <http://www.lexed.ru>.

⁴ [Электрон манба]. URL: <http://kodeksy.by>.

⁵ [Электрон манба]. URL: <http://lex.justice.md/ru>.

⁶ Georgia “Law of Georgia on higher education” December 21, 2004, [Электрон манба]. URL: <http://www.mes.gov.ge>.

институтнинг барқарор фаолият кўрсатишини таъминловчи, ўзида муҳим ваколатларни жамлаган вакиллик орган ҳисобланади¹.

Учинчидан, ОТМлари коллегиял органлари фаолияти самарали йўлга қўйилмаган бўлиб, ушбу органлар таркибига академик доира вакиллари (*профессор-ўқитувчилар*) ва талабалар жалб қилинмаган;

Украина тажрибасида Жамоавий ўзини-ўзи бошқариш органлари умумий йиғилиши ОТМнинг олий вакиллик органи бўлиб, сайлов асосида шакллантирилади, Олий вакиллик органи таркибининг 75 фоизи педагогик, академик ва илмий-тадқиқот соҳасидаги ходимлар, 15 фоизи талабалардан иборат бўлади.

Тўртинчидан, ОТМлари биринчи даражали раҳбарларини лавозимга тайинлашда давлатлар органларининг ваколати ва таъсири кучли бўлиб, уларни коллегиял органлар томонидан сайлаш, уларнинг лавозимига қўйиладиган катъий талаблар қонунчиликда мавжуд эмас.

Ривожланган хорижий давлатларнинг деярли барчасида ОТМ раҳбарлари коллегиял органлар томонидан сайлов асосида лавозимга тайинланади ва озод қилинади, раҳбарлик лавозими учун аниқ талаблар ва муддатлар белгиланган. Кембридж университети парламентар бошқарувга асосланган бўлиб, канцлер университетнинг конституциявий раҳбари ҳисобланган Канслер университетнинг барча битирувчи талабаларидан тузиладиган Сенат томонидан умрбод муддатга сайланади, Проректор университет Кенгаши томонидан етти йил муддатга лавозимга тайинланадиган университетнинг асосий академик ва бошқарув ходими ҳисобланади². Украинада ОТМнинг раҳбарликка номзоди давлат тилини мукамал билиши, илмий даражага эга бўлиши, камида 10 йил илмий ва академик фаолият билан шуғулланган бўлиши лозим, ОТМнинг раҳбари кетма-кет икки муддатдан ортиқ раҳбар лавозимида ишлай олмайди.

Бешинчидан, олий таълим соҳасидаги давлат бошқаруви органларининг ваколатлари фақатгина фаолиятни мувофиқлаштириш ва давлат таълим сиёсатини қўллаш билан чегараланмаган бўлиб, ОТМларининг академик мустақиллиги кафолатланмаган ҳамда давлат бошқаруви дискрецион ваколатлар берилган алоҳида вазирлик томонидан кенг доирада амалга оширилади.

Япония, Корея, Германия, АҚШ, Буюк Британия каби коррупция даражаси паст ва олий таълим соҳаси ривожланган давлатларда махсус бошқарув тизими шаклланган бўлиб, таълим соҳаси ягона давлат органи томонидан бошқарилади, ушбу хорижий давлатларда олий таълим соҳасидаги давлат бошқарув органларининг ваколатлари қонунчиликда аниқ белгилаб қўйилган бўлиб, бошқаруви асосан ОТМнинг мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган ҳамда бошқарув органлари ОТМга бевосита таъсир қиладиган, уларнинг эркинлигини чеклайдиган ва умумий назоратни амалга оширадиган ваколатларга эга эмас.

¹ [Электрон манба]. URL: <https://corporation.mit.edu>.

² [Электрон манба]. URL: <https://www.cam.ac.uk>.

Олтинчидан, давлат органлари фаолияти ва ўқишга кириш, ўқишни кўчириш, назорат каби муҳим босқичларнинг очик эмас ҳамда ушбу жараёнларга рақамли технологияларни жорий этилмаган.

Грузия, Хитой, Украинада ОТМга ўқишга кириш давлат органлари томонидан ўтказиладиган марказлашган кириш имтиҳони асосида амалга оширилиб, имтиҳон жараёнлари замонавий аудиторияларда профессионал назоратчилар томонидан олинади ҳамда кириш имтиҳони жараёнларида юқори даражадаги очиклик ва шаффофлик таъминланган.

Еттинчидан, олий таълим соҳасида таълим сифатини назорат қилишга, коррупцияга қарши курашиш фаолиятига нодавлат-нотижорат ташкилотлари самарали жалб қилинмаган.

АҚШ ва Ғарбий Европа давлатлари амалиётида эса, олий таълим сифатини таъминлашда нодавлат ташкилотлар хизматидан кенг фойдаланилади, хусусан, Буюк Британияда ОТМда ички таълим сифатини баҳолаш механизми мавжуд бўлиб, ушбу тизимнинг шаффоф ва адолатли олиб борилишини Таълим сифатини кафолатлаш агентлиги (*Quality Assurance Agency*) баҳолайди ва агентлик нодавлат ташкилот ҳисобланади¹.

Саккизинчидан, олий таълим соҳасида коррупцияга қарши курашиш самарадорлигини ҳамда ОТМларида коррупция даражасини очиклик ва шаффоф тартибда юритиладиган рейтинг баҳолаш тизими мавжуд эмас.

Дастлаб 1983 йилда Американинг энг яхши коллежлари обрўсига асосланган рейтингни эълон қилган U.S.News and World Report журнали миллий олийгоҳлар рейтингини аниқлаш тенденциясини бошлаб берган ва АҚШ ташаббусидан кейин тез орада Канададаги Маклин университети рейтингини, Англия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги миллий рейтинглар жорий этилди. Жаҳон амалиётида биргина Transparency International ташкилоти томонидан жаҳон мамлакатлари миқёсида юритиладиган коррупциявий рейтинг натижалари давлатларни коррупцияга қарши курашиш сиёсатига ижобий таъсир кўрсатмоқда².

Диссертациянинг **“Ўзбекистон Республикаси олий таълим соҳасида коррупциявий хавф-хатарларнинг бартараф этиш фаолиятини янада такомиллаштириш масалалари”** деб номланган учинчи бобида олий таълим соҳасининг бошқарув, ўқишга кириш ва ўқишни кўчириш, назорат фаолиятида мавжуд коррупциявий хавф-хатарлар ва уларни олдини олишга қаратилган таклифлар ишлаб чиқилган.

олий таълим соҳасидаги бошқарув жараёнидаги коррупциявий хавф-хатарларни олдини олиш борасида қуйидаги норматив-ҳуқуқий ва ташкилий ўзгартиришларни амалга ошириш долзарб ҳисобланади:

таълим соҳасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта коррупцияга қарши экспертизадан ўтказган ҳолда ягона Ўзбекистон Республикасининг **“Таълим кодекси”**ни ишлаб чиқиш;

¹ [Электрон манба]. URL: <https://en.wikipedia.org>.

² [Электрон манба]. URL: <https://www.transparency.org>.

ОТМлари биринчи даражали раҳбар лавозимига номзодларни очик танловлар асосида шакллантириш, уларни таълим муассасаларининг коллегиял тузилмалари томонидан лавозимга сайланиш ва уларни ушбу тузилмалар томонидан коллегиял тартибда лавозимдан озод қилиш тартибини белгилаш;

манфаатдор шахслар бир-бирини тийиб турувчи, очиқлик ва шаффофлик принциплари асосида фаолият кўрсатувчи ОТМлар намунавий бошқарув тузилишини белгилаш, ушбу бошқарув тузилмаларини мажбурий шакллантиришни барча турдаги ОТМлари учун қонун билан мустаҳкамлаш;

олий таълим соҳасида бюджет маблағларни талон-торож қилинишини олдини олиш мақсадида коррупцияга қарши курашиш “комплаенс-назорат” ва ички аудит хизмати ҳамкорликда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, контракт ва стипендиялар тўланиши, давлат харидлари ва бошқа маблағларни режавий ҳар чоракда ўрганиш тартибини жорий этиш;

